MANUEL MILITAIRE ROMAIN

ПИРМАТ ШЕРМУҲАМЕДОВ

«ОНА СУТИДЕК ПОКИЗА...»

(СЎНГГИ ЙИЛЛАР БОЛАЛАР АДАБИЕТИ ҲАҚИДА ЎЙЛАР)

Мен туғилиб ўсган Юмуртов қишлоғида аллақачон саксонларни уриб қўйган Искандар бобо исмли бир чол бўлар эди. Унинг невара-чеваралари шу қадар кўп эдики, баъзан бобонинг ўзи ҳам ҳисобидан адашиб қоларди. Чол ниҳоятда ширинсухан бўлиб, яхши кўрган одобли невараларини «она сутини тўйиб эмган покиза дўмбоқчаларим», дея алқар, сал мундоқроқ — шумтакаларини ҳам кўп қойимас, «сояпарварларим, нимжонларим», деб чақирарди.

Искандар бобонинг ўша ҳикматли сўзлари сабаб бўлибми, қишлоқ аҳли орасида «она сутига тўйган», «она сутига тўймаган», «она сутидек тоза», «она сутидек покиза» иборалари кенг тарқалиб кетганди. Мабодо янги туғилган чақалоқлардан бири касалга чалингудек бўлса, қишлоқда у ҳақида «она сутига тўймаган-да!» деб қўйишади, ўзининг ҳалол ишлари, намунали хулқи, одоби билан эл оғзига тушиб ҳурмат қозонган ёшу қарини эса, хулқи ҳам, одоби ҳам «она сутидек покиза» деб аташади.

«Она сутидек покиза», «она сутидек ҳалол»... Дунёда нимаики соф, покиза бўлса, она сутининг тозалигига қиёс қиламиз. Бу табиий ҳодиса. Негаки, ҳаммамиз ҳам бир пайтлар она сути билан катта бўлганмиз. Она меҳри орқали она-Ватанимиз, буюк Советлар юртини таниганмиз. Шундай экан, болалар ҳаётидан олиб ёзилаётган китобларнинг ҳам она сутидек тоза, покиза бўлишини адиблардан қатъийроқ талаб қилишга ҳаққимиз бор. Менимча, шу масала хусусида жиддийроқ ўйлаб кўриш пайти аллақачонлар етган.

Афсуски, ҳалигача болаларга мўлжалланган асарларда ҳаётнинг мураккаб муаммоларини кўтариб чиқиш шарт эмас, чунки воқеликнинг мураккаб жиҳатларини

кичкинтойлар илғаб ололмайдилар, деб ҳисоблайдиган адиблар ҳам бор. Уларнинг фикрича, мураккаб муаммолар ҳақида ёзиш ёш авлод онгига кўра-била туриб ёмон таъсир ўтказиш билан баравардир. Бу «назария» бўйича болалар ҳамма нарсани асосан «тўғри» маънода қабул қиладилар, шундай экан, улар ёвузликдан нафратланиш ўрнига ўзлари билмасдан ёвузлик руҳида тарбияланиб қолишлари ёки асарда фош этилган пасткашликнинг фарқига бормай, пасткашлик йўлига киришлари мумкин. Бундай тушунчага қўшилиб бўлмайди, албатта.

Ана шундай юзаки қарашларнинг оқибати ўлароқ ёш китобхон тасаввурида бир-бирига қарама-қарши олам пайдо бўлади. Бири, баъзи китобларда тасвирланган зиддиятсиз, курашсиз, ҳамма ёқ гулистон, сохта ҳаёт, иккинчиси, қарама-қаршиликларга, зиддиятларга тўла ҳақиқий ҳаёт.

Шубҳасиз, реал ҳаётдан йироқ китоблар ҳеч қачон болалар адабиётининг асосий йўналишини белгилаган эмас. «Болалар адабиёти,— дейди Куддус Муҳаммадий — бу — бутун бир мактаб, бу — она сутидек покиза. Катталар адабиётидаги каби болалар адабиётида ҳам замонавий мавзу, муҳим фикр бўлиши зарур». Хўш, шундай экан, болалар адабиётининг катталар адабиётидан фарқи нимада?

Бу фарқ — ёзувчининг болалар характери ва руҳий оламини, уларнинг воқеликни идрок этиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, объектив воқеликни китобхон онгига бутун мураккаблиги билан, бўяб-безамасдан етказа билиш қобилияти, истеъдоди билан белгиланади. Белинский болалар ёзувчисида худди шу хусусиятлар бўлиши шарт эканлигини назарда тутиб, «болалар ёзувчиси бўлиб туғилмоқ керак», деган эди.

Ўзбек болалар ёзувчиларининг кейинги йилларда яратилган энг яхши асарларида ҳаётни ҳаққоний ва ҳар тарафлама тасвирлаш, ёш китобхоннинг ижтимоий-психологик хусусиятлари, имконият ва талабларини ҳисобга олишга интилиш сезилиб турибди.

Бу жиҳатдан Комил Икромовнинг «Ўқчи маҳалла» ва «Маҳмуд дорбоз» повестлари диққатга сазовордир.

Комил Икромов Москвада яшаб, асарларини рус тилида ёзади. Лекин адибнинг ижоди, хусусан, унинг ўзбек халқи ҳаётидан ҳикоя қилувчи асарларини Ўзбекистон болалар адабиётидан ажратиш мумкин эмас. Биринчидан, ёзувчининг китоблари ўзбек китобхонлари орасида машҳур; иккинчидан, адибнинг мавзуи ўзбек воқелиги билан чамбарчас боғлиқ, учинчидан, ёзувчи ўзбек болалар адабиёти анъаналаридан фойдаланиши каби, ўз навбатида болалар адабиёти тараққиётига самарали таъсир ҳам ўтказмоқда. Ўз ижодида бой миллий анъаналар ва Европа прозасининг юксак маданиятини мужассамлаштирган Комил Икромов, маълум даражада, республика ёш қаламкашларига бадиий маҳоратни ўргаллашда, ижодда янги йўллар ахтаришда намуна кўрсатмоқда.

К. Икромовнинг «Ўқчи маҳалла» повестида кичкинтой Толибжоннинг бошидан кечирган саргузаштлари тасвирланади. Боланинг отаси — кекса аслаҳасоз уста Саттор сув тақсимловчи миршаб билан жанжаллашиб қолади. Миршаб Саттор хонадонида сақланиб келаётган қимматбаҳо ёдгорлик — қилични сотишни талаб қилади. Қиличга осонликча эга бўлолмаслигига кўзи етгач эса, миршаб дўқ-пўписа йўлига ўтади, таҳдид қилади. Жанжал манзараси бир умр боланинг хотирасига ўрнашиб қолади. Бу ҳодиса Толибжон онгини уйғотади, ҳаётга танқидий қараш туйғусини юзага келтиради. Бир неча кун ўтгач, миршаб яна Сатторларникида пайдо бўладди. Бироқ, уста Саттор унинг учун ғурбатга айланган жонажон маҳалласини бутунлай тарк этиб кетган эди. Ҳаёт эзиб ташлаган, иродасиз тоғаси тирик етимча — Толибжонни ўз қарамоғига олади.

Китобхон Толибжон билан қадам-бақадам ҳаёт ўқмоқларидан ўтиб, воқеликни тобора теранроқ идрок этади, ўсиб-улғаяди. Ёзувчи бунга қарама-қаршиликлар ва мураккабликларга тўла оламни ҳаққоний тасвирлаш орқали эришади. Ёзувчи бу оламга боланинг тийрак нигоҳи билан қарайди ва ҳеч нарсани яширмайди. Асарда ёвузлик ҳам, эзгулик ҳам, ҳар бири ўз ҳолича эмас, балки ҳаёт-мамот учун курашнинг ғоят кескин кўриниши — инқилобий воқеаларнинг ҳаққоний ифодаси воситасида намоён бўлади.

Комил Икромовнинг «Маҳмуд дорбоз» повести эса китобхон хаёлини узоқ ўтмиш: XIII асрнинг охири — XIV асрнинг биринчи ярми ҳаётига элтади. Бу даврда қадимий Хоразм диёрида афсонавий баҳодир ва буюк шоир Паҳлавон Маҳмуд яшаган. Адиб Хивадаги шоир мақбараси деворларига битилган рубоийлар, халқ ора-

сида тарқалган ривоят ва афсоналар асосида улуғ сий
монинг жозибали образини яратади. Паҳлавон Маҳму
доншманд ва ғоят истеъдодли, камтарин, очиқ кўнгил
ва соф виждонли инсон сифатида китобхон кўз ўнгид
гавдаланади. Комил Икромов ҳамиша ҳақиқат изла
ростгўй қаҳрамоннинг машаққатли ҳаётини ишонтирарл
тарзда тасвирлайди. Маҳмуд тўғри сўзлиги учун жоҳи
ва нодон Хива шайхи Саид Аловуддин томонидан он
юртидан бадарға қилинади. У орадан кўп йиллар ўт
гачгина сон-саноқсиз жасоратлар кўрсатиб, кўпгина
гаройиб саргузаштларни бошидан кечириб Хоразмга
қайтади. Маҳмуд дарбадарликда юрган йилларда шо
ирнинг онасини шайхнинг ялоқхўри мулла Мухтор оч
ликка маҳкум этиб, ҳалок қилган, ҳовли-жойи вайрон
бўлган эди...

Паҳлавон Маҳмуд донолиги, баҳодирона қудрати
буюк истеъдоди ва юксак маҳорати билан халқнинг
меҳр-муҳаббатини қозонади. У адолатни, оддий меҳнат-
каш эл манфаатини қаттиқ туриб ҳимоя қилар, шу сабаб-
ли халқ орасида обрў ва мартабаси баланд, қора ният-
ли шайху муллаларнинг эса қўли қисқа эди. Паҳлавон
Маҳмуднинг шуҳрати шоир вафотидан кейин ҳам сўн-
мади, тескарича дин аҳлини, замона зўрларини тинч
қўймади. Натижада. улар бу улуғ инсоннинг пок номи
ва таъсиридан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга
қарор қилиб, уни авлиё деб эълон этадилар.

Повесть Хива бозори тасвири билан бошланиб, яна
шу манзара тасвири билан хотималанади. Асарнинг ав-
валидаги бозорда мулла Мухтор шайх Саид Аловуддин
топшириғи билан йигирма яшар «дин душмани», «шак-
кок» Маҳмуд ортидан айғоқчилик қилиб юради. Повесть
сўнггида тасвирланган бозор эса шоир вафотидан бе
аср кейин Паҳлавон Маҳмуд мақбараси пойида ҳамо
гавжум, ҳамон ўша даврдагидай шовқин-сурон билан
яшайди. Дунёда эса бу даврда қанчадан-қанча буюк
воқеалар содир бўлди: «Колумб Американи кашф этди.
Ньютон бутун олам тортилиш қонунини очди. Шекспир
ўз пьеса ва сонетларини яратди. Францияда инқилоб
содир бўлди. Россияда декабристлар қўзғолон кўтарди».
Хивада эса, ҳамон шайх Саид Аловуддин замонасида-
гидек одатлар ҳукм суради: «Ҳар ким ўзида бори билан
савдо қилади. Бой — ҳаромдан топганини, камбағал —
ишлаб кўлга киритганини, ўғри — ўғирлик молини, гадо

ва ноғиронлар эса ўзларининг турқи-тароватини бозорга
солади». Худди ўша — қадимги даврлардагидек, «қорни
катта муллалар, танасига жир битаётган муллавач-
чалар», хон ясовуллари бозорда хўжайин. «Ҳеч ким
ясовулнинг мушугини «пишт» дея олмайди, ҳеч ким
берган нарсасининг ҳақини талаб қилолмайди. Ҳуку-
матчилик!»

Хива «Минг бир кеча» эртакларида тасвирланганидек, оғир уйқуга чўмган. Бироқ, повестда бу ҳолатни
аниқловчи бир неча жумла бор. Бу сатрлар минг йиллик
уйқу ҳақидаги тасаввурнинг қанчалик алдамчи эканли-
гидан дарак беради. Қиссанинг аввали ва хотимасида
келтирилган бу жумлаларда ҳозирги кунимиз ҳақида ҳи-
коя қилинади. Комил Икромов ёш китобхонга Хоразм
инқилоби қандай фаровонлик келтир-
ганини хусусида батафсил гапириб ўтирмайди. Бу нар-
са ўз-ўзидан келиб чиқади. Чунки асарни ўқиган ҳар
бир китобхон повесть қаҳрамони ва унинг дўстлари би-
лан бойлар, шайху муллалар, хуллас, замон зўрларининг
ҳокимиятини ағдариб ташлаб, меҳнаткаш халқ ҳукмрон-
лигини ўрнатган марди майдонлар орасида маънавий
яқинлик борлигини осонгина фаҳмлаб олади. Асар ки-
тобхонда эзгулик, муҳаббат ва садоқат туйғуларининг
ўлмаслиги, ҳунар ва истеъдод қудрати, ҳақиқат учун ку-
рашнинг мангулиги ҳақида чуқур фикр уйғотади.

Комил Икромовнинг узоқ ўтмиш мавзуидаги «Маҳмуд
дорбоз» повести ёш китобхон диққатини қайта-қайта
ҳозирги кунимизга қаратади. Бу жуда қонуний дир. Чун-
ки Паҳлавон Маҳмуд курашган текинхўрлик ва паст-
кашлик, жаҳолат ва нодонлик, аблаҳлик ва кўролмаслик
каби иллатлар ғоят яшовчандир. Бундай иллатларга
қарши олиб борилаётган жанг ҳали тўхтаган эмас. Де-
макки, асарда бугунги ҳаётимиз учун ҳам ғоят муҳим
бўлган масалалар кўтарилган. Повестнинг қиммати ана
шунда.

Ҳаёт ҳақиқатини ҳаққоний акс эттиришда Носир Фо-
зиловнинг қисса ва ҳикоялари алоҳида аҳамиятга молик.
Ёзувчининг «Оқим» повести Ўзбекистонда колхоз тузу-
мининг қарор топиши мавзуига бағишланган. Асар мар-
казида озодликка эришган меҳнаткашлар оммаси билан
кечаги «дунёнинг устунлари»— бой ва муллаларнинг ўз
имтиёзларини ва оддий халқ устидан ҳукмронликларини
сақлаб қолиш учун олиб борган ҳаёт-мамот кураши

туради. Асарда оддий халқ ичидан чиққан истеъдодли шоир, чўпон Суюм қутурган бойлар қўлида ҳалок бўлади.

Болалар адабиётининг муҳим вазифаларидан бири — ҳали ер юзида хусусий мулкчилик барҳам топмаган экан, синфий кураш шакллари ўзгариши, лекин бу кураш онг ва мафкура соҳасида давом этиши мумкинлигини мамлакатимизнинг ёш гражданларига бадиий образлар орқали кўрсатиб беришдир. Бу кескин синфий курашнинг бир сабаби ҳанузгача биз билан ёнма-ён қудратли капиталистик дунёнинг яшаб келаётганида бўлса, иккинчи сабаби ўтмиш, феодал психологиясининг яшовчанлигидадир.

Шунинг учун ҳам ҳозирги замон ёзувчисининг дунёқараши катта аҳамиятга молик. Асарнинг маънавий таъсири эса ёзувчининг ҳаёт ҳақиқатига содиқлиги, унинг худбинлик, манфаатпарастлик билан коллективчилик, ҳақиқий инсоний биродарлик, юксак мақсад ва интилишлар йўлидаги бирлиги каби ахлоқий масалаларнинг қай даражада ҳаққоний акс эттирганлигига ҳам боғлиқдир.

Носир Фозилов повестининг асосий фазилатларидан бири ҳам шунда — коллективлаштириш даври воқеаларини бугунги кун илғор кишисининг кўзи билан тасвирлаганидадир. Адиб ўша мураккаб давр тарихига мурожаат қилар экан, давримиз учун жуда муҳим бўлган масалаларни қаламга олган.

Повестда Ҳайдарбойнинг буйруғи билан калтакланган ва мулла томонидан заҳарланган Суюм аканинг ҳалок қилиниши, чўпон Асқарнинг туҳмат уюштирилиб қамоққа олиниши ҳикоя қилинади. Шу қабиҳликларнинг бошида турган Ҳайдарбой эса гўё ҳеч нима кўрмагандай, билмагандай қамоқда ётган Асқарнинг хотини Малика ҳузурига гўзал Ҳурини ноқобил ўғли Дўндирасулга унаштириш учун боради. Ҳайдарбойнинг асл ният-ти мол-мулкини сақлаб қолиш бўлса-да (унинг ўғлини уйлантиришдан кўзлаган муддаоси ҳам шу), Маликага эндиликда «на бой, на камбагал қолди, ҳаммамиз бир одаммиз», деб тилёгламалик қилади. Малика эри қамоқда ўтирган, Суюм аканинг қирқи ҳам чиқмаган бир пайтда тўй ҳақидаги гап кўнглига сигадими, деб йиғлайди. Лекин Ҳайдарбой ўз гапида туриб олади. Бундай сурбетлик ҳатто Маликадай авом, бечора хотинни ҳа-

газабга келтиради. У бойларда виждон деган нарса қолмабди, деган хулоса чиқаради.

Сурбетлик ва сафсатабозлик — манфаатпарастлик психологиясининг ажралмас хусусиятларидир. Ҳеч ким тенглик, миллий урф-одатларни эъзозлаш, ҳақ ва адолат ҳақида мол-мулкка, бойликка муккасидан кетган кимсапарчалик кўп гапирмайди, оғиз кўпиртирмайди. Лекин бу гапларни тагида уларнинг ўз манфаатлари ётади. Бу манфаатларга ҳақиқатан хавф туғилиб қолгудек бўлса, «эркинлик» ҳимоячиларининг ҳаммаси — ўтмишдагилари ҳам, ҳозиргилари ҳам бутун ниқобларини отиб ташлаб, асл башараларини кўрсатадилар. Носир Фозилов буни ишонарли қилиб очиб берган.

«Оқим» повестининг яна бир фазилати халқлар дўстлиги мавзуининг чуқур ифодаланганидадир. Қамбағал Суюм ака у ёқда турсин, ҳатто машҳур бой Ёрлақабни ҳам (иккови ҳам «мачит кўрмаган қозоқ!») одам ҳисобламаган Ҳайдарбойнинг шовинизми китобхонни қанчалар нафратлантирса, повестда тасвирланган оддий кишилар — ўзбеклар, қозоқлар, русларнинг инсоний дўстлиги ва биродарлиги шунчалар қувонтиради. Умуман, Носир Фозилов асарларида халқлар дўстлиги мавзуи синфий биродарлик даражасига кўтарилади ва яхши ҳал қилинади.

Чунончи, Носир Фозилов «Оқим» повестида ўзбек қишлоғининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги ҳаёти ҳақида ҳикоя қилар экан, миллатидан қатъи назар, барча совет кишиларининг мустаҳкам биродарликларини меҳр билан тасвирлайди. Турли миллат вакилларининг фашизм вабосига қарши, фронт ичкарисидаги аблаҳ, пасткаш кимсаларга қарши қўлни қўлга бериб курашиши ишонарли чиқади ва китобхонни ҳаяжонга солади.

Носир Фозилов ўсмирлар билан самимий, юракдан суҳбат қуради. Ёзувчининг энг яхши асарларида сюжет пухта, кескин тўқнашув ва кутилмаган воқеалар мўл. Адиб яратган энг яхши образлар ҳаётийлиги, ибрат кучи билан китобхон диққатини тортади.

...Отряд советининг йиғилишида кимни фахрий пионерликка қабул қилиш мумкин, деган масалада тортишув келиб чиқади. Носир Фозиловнинг «Жиянимнинг қиссаси» асари худди ана шу воқеа тасвиридан бошланади. Болаларнинг фикрича, фахрий пионер, албатта, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлиши керак. Бироқ,

ўз қишлоқларида бундай одам йўқ. Шу сабабли болала
узоқ Мўйноқда яшовчи Қалли акани фахрий пионерлик
ка сайлайдилар. Бу ҳақда Мўйноққа, Қалли акага ха
бар қилиш учун отряд советининг қарорига кўра пионе
Соғиндиқ йўлга тушади. Соғиндиқнинг саёҳат давомида
кўрган-кечирганлари қиссанинг фабуласини ташкил эт
ган.

Автор ўз олдига икки ижодий вазифани қўяди: ёш
пионер характерини яратиш ва Қорақалпоғистоннинг
бугунги қиёфаси, табиати, одамларнинг образларини
гавдалантириш. Адиб Амударё ва унинг қирғоқларида
кечаётган жўшқин ҳаётни, фусункор табиат манзарала
рини меҳр билан чизади. Орол денгизи тасвири улуғ
ворлиги, салобати билан китобхон тасаввурида жонла
нади.

Соғиндиқ Мўйноқда Асет билан дўстлашиб, тезда
апоқ-чапоқ бўлиб кетади. Дўстлар балиқ овига чиқади
лар... Бир сафар эса уларни муз парчаси очиқ денгизга
суриб кетади. Болаларни қўрқув босади, лекин улар
ваҳимага тушмайдилар, дод-вой солмайдилар. Мушкул
вазиятда қолсалар ҳам, ёрдам келишини, одамлар улар
ни тақдирнинг ҳукмига ташлаб қўймасликларини, албат
та қутқаришларини сабот-матонат ва ишонч билан ку
тадилар.

Ёзувчи воқеаларни тасвирлар экан, асосий мақсадни
инсоний муносабатларни очишни, эски ахлоқ, қолоқ ту
шунчалар билан кескин тўқнашувларда енгиб чиқаётган
янги ахлоқ нормаларининг тантанасини кўрсатишга
алоҳида эътибор беради.

Носир Фозиловнинг «Саратон» қиссасида рўй берган
воқеалар республикамизнинг қишлоқларидан бирида
бўлиб ўтади. Мамлакатимиз бошига тушган оғир кун
лар. Уруш касофати ҳамма нарсага урган. Ишга яроқли
эркакларнинг барчаси фронтда. Уларнинг ўрнини чол
лар, кампирлар, бева қолган аёллар, вояга етмаган бола
лар эгаллашган. Вазият кун сайин оғирлашиб бормоқ
да. Ҳосилнинг аҳволи ҳам кўнгилдагидек эмас. Шундай
оғир дамларда қишлоққа уруш уқубатларидан қийналиб
қолган рус, украин, поляк оилалари кўчиб келишади.
Буларнинг ҳаммаси қўшилиб, қишлоқ ҳаётига ўзгача
бир таъсир кўрсатади.

Ибратли бир мисол. Поляк боласи Франтишек эри
дан қора хат олган Зулайҳо холанинг сузмасини ўғир

лаб қўяди. Кўпдан бери дарди ҳасратини кимга сочиш
ни билмай юрган бу аёл Франтишекдан ўч олмоқчи
бўлади, шу пайт орага Тўра тушади ва ҳали дўстлашиб
кетмаган поляк боласини ҳимоя қилади. Уруш кулфат-
ларини кўраверіб, ҳаётдан безиб кетган Зулайхо хола
Тўра билан Камола орасида туғилиб келаётган муҳаббат
туйғуларини ҳақорат қилади. Ҳа, уруш қийинчиликлари,
асоратларига ҳаммаям дош бера олмайди. Уруш руҳи
нимжонларни эзиб ташлайди. Фақат руҳан бақувват ки-
шиларгина бу синовларга чидайди. Уруш қишлоқ киши-
лари учун ҳам мардлик ва юксак интернационаллик си-
нови бўлди. Уруш туфайли қишлоқда озиқ-овқат танқис-
лиги кучли бўлмаса ҳам колхоз правлениеси, Тўра ва
унинг ўртоқлари топган-тутганларини «уч хонадон рус-
лар, бир хонадон поляклар, бир хонадон украинлар би-
лан баҳам кўришади». Ҳатто «ошиҳалол» йиғишади.
Ошиҳалол дегани ҳар бир хонадоннинг ўз топган-тутга-
нини бир идишга йиғиши, ўртада баҳам кўриши дегани.
Тўғри, ошиҳалол тасвири «Саратон» қиссасининг ғоявий
бадиий тўқимасига қўшилиб кетмайди. У алоҳида ёзил-
ган мустақил ҳикояга ўхшаб қолган.

«Саратон» бир қарашда икки қисмдан иборатдек
бўлиб туюлади. Биринчи қисм Тўра билан Камоланинг
қалбида туғилган беғубор туйғулар ҳақидаги ҳикоя, ик-
кинчи қисми қишлоққа кўчиб келган хонадонларнинг
ҳаёти тасвири. Назаримда, бу икки воқеа бир-бирига
етарли даражада боғланмагандай бўлиб туюлади. Шун-
га қарамасдан Тўра билан Камола орасидаги севгининг
туғилиши, уларнинг поляк боласи Франтишек ва Сергей
билан дўстлашишлари анча табиий ва ҳаётий берил-
ган.

Носир Фозилов ўз қаҳрамонларининг характерида
пайдо бўлган интернационал дўстликнинг манбаларини
тасвирлашга ва шу орқали совет халқининг маънавий
қудратини кўрсатишга алоҳида эътибор берган.

Маълумки, уруш мавзуи сўнгги йиллар совет адабиё-
тида катта ўрин эгалламоқда. Ўзбек совет болалар ёзув-
чилари ҳам бу мавзуга кўп эътибор бермоқда.

Ҳар бир совет киши ўз-ўзига шундай савол беришга ҳақли: хўш, нима учун биз урушда енгиб чиқдик? Биз урушда шунинг учун ҳам енгиб чиқдикки, Октябрь инқилоби туфайли вужудга келган социалистик тузум турли миллат кишиларини янги ахлоқ, янги онг ва интер-

национал дўстлик руҳида тарбиялади. Мана шу тарбия совет солдатларининг жанг майдонларида кўрсатган мисли-сиз жасоратларида, чоллар, кампирлар ва бева аёлларнинг фронт орқасида бажарган улкан меҳнат ғалабаларида, турли миллат болаларининг интернационал дўстлигида ўз аксини топди.

Бу мавзу Ҳаким Назирнинг «Лочин қанотлари» романи, Комил Икромовнинг «Семенов» қиссасида анча кенг ва чуқур ёритилди.

Уруш арафаси. Кўпгина ўқувчилар турли хил сабаблар билан пионер лагерларига бора олмай қолган. Улар ҳар куни кўча чангитиб, қўни-қўшниларнинг тинчини бузади. «Уларнинг бебошликларини фойдали томонларга буриб юборилса бўлмасмикан?» Ана шу ҳақда мактаб директори Ортиқ Ашуров билан маҳалланинг обрўли қарияларидан Акрам бувалар бош қотирадилар. Улар ўйлай-ўйлай шу қарорга келишади: «Кўча болаларига ақлли, ишбилармон одамни бириктириб қўйиш керак. Бу ишнинг уддасидан фақат Уктам Рустамовгина чиқади... Шу тариқа «Лочин қанотлари» романининг фабуласи белгиланади. Асарда рўй берадиган барча воқеалар бевосита Уктамнинг ҳаёти билан боғланади.

Уктам жамоатчи бола, ўқишлари ҳам чакки эмас. Бир вақтлар авиамоделчиларнинг мусобақаларида қатнашиб, мукофот ҳам олган. Барча ишда пионерларга бош-қош. Уктам ишни пионер форпости тузишдан бошлайди. Пионер форпости ёзда лагерларга боролмай қолган болаларни бир жойга уюштириб, ҳар хил фойдали, кўнгилли ишлар билан шуғулланади, турли тўгараклар тузади, маҳаллада болаларнинг қаровсизлигини тугатишга ёрдам беради. Афсуски, пионер форпости эндигина иш бошлаганида бирдан уруш бошланиб қолади.

Уруш Уктамнинг ижтимоий фаолиятига ҳам таъсир қилади. У энди пионерларнинг ижтимоий фойдали иш қилишлари учун кўпроқ жон куйдирадиган бўлади. Шу мақсадда болалар ёрдамида инсценировкалар тайёрлаш ва уларни аҳолига кўрсатиш учун қишлоққа бориб, аммасининг ўғли Жўранинг тойчоғини келтиради. Шу тариқа уруш йилларидаги шаҳар билан қишлоқ орасидаги муносабатлар ҳам қаламга олинади.

Адиб Уктамнинг ички дунёсини кўрсатишга катта эътибор беради. Бу қувонарли ҳодиса. Негаки, сўнгги

йиллар болалар адабиётида ўсмирларнинг қалбида туғилиб келаётган илк муҳаббатнинг тасвирига эътибор кам эди. Шу жиҳатдан Уктам билан Умрининг муносабатларига бағишланган саҳифалар қизиқиб ўқилади. Эндигина ўн олти ёшга қадам қўйган кўҳликкина, дўпирагина, ҳар чоқ кўзлари табассумга мойил бўлган, соддадил Умрининг ҳаёт йўли ҳам, унинг ўзига хос руҳий дунёси ҳам маҳорат билан чизилган. Дадасининг дўқидан титраб-қақшаб уззукун уйида қамалиб ўтирадиган бу қиз Уктамнинг таъсирида ўсиб-улғаяди, Уктам билан бирга фронтга жўнайди. Энг муҳими, романда ёш авлоднинг оталар анъаналарини давом эттираётганлиги алоҳида таъкидланади. Лекин роман композицион жиҳатдан ҳали анча бўш. Асарга китобхон эътиборини тортишга қодир кучли драматизм етишмайди. Баъзан қаҳрамонларнинг руҳий оламини бевосита тасвирлаш ўрнига, улар ҳақида умумий маълумотлар бериб қўя қолинади. Шунга қарамай «Лочин қанотлари» романи ўзбек совет болалар адабиётида деярли қўл урилмаган мавзуни — уруш йилларида кичкинтойларнинг буюк ғалабамизга қўшган ҳиссасини кўрсатишга бағишланган йирик асар сифатида қимматлидир.

Гап ҳарбий ватанпарварлик мавзуига бағишланган асарлар устида борар экан, адабий «хўжалигимиз»да мавжуд бўлган қатор асарларни четлаб ўтиш мумкин эмас. Булар — Ф. Насриддиновнинг «Боғистон қушчалари», Сафар Барноевнинг «Нур ёғилган кун», Самар Нуровнинг «Беғубор тонг» қиссалари, Сиддиқа Аъзамованинг «Кутилмаган учрашув» ҳикояси, Адҳам Раҳматнинг ҳарбий-ватанпарварлик мавзуида ёзилган документал характердаги «Изларини излаб...» номли китобларидир. Бунга газета ва журналларда эълон қилинаётган номаълум қаҳрамонларни излаб топишга бағишланган мақола ва очеркларни ҳам ҳисобга олсак, уруш мавзуига бағишланган асарлар етарли эканини кўрамиз. Лекин адабиётда сон эмас, сифат муҳим эканини ҳам яхши биламиз. Афсуски, ёзилаётган асарларнинг савияси юксак дидли китобхонларимизнинг талабларига етарли даражада жавоб бера олмайди. Кўп адиблар аксарият уруш даврида кечган болалик йиллари ҳақида ёшлик уруш ҳақида китоблар ўқиган ва эшитганларини баён қилиш билангина чекланиб қолмоқдалар. Натижада баъзи ҳолларда қаҳрамонларнинг уруш пайтидаги хат-

ти-ҳаракатлари, муомалалари, қилиқлари жуда ҳа
сунъий чиқиб қолмоқда.

Болалар адабиётининг сўнгги йиллардаги ютуқлар
хусусида гапирганда Назир Сафаровнинг «Наврўз
Оқилжон Ҳусановнинг «Тоғда ўсган бола», марҳум ади
бимиз Ойбекнинг «Алишернинг ёшлиги» қиссалар
Ҳамид Ғуломнинг «Куба ҳақида ҳикоялар», Мирму
синнинг араб болалари ҳаётини акс эттирувчи повес
лалари, Асқад Мухторнинг «Дунё болалари», П. Қод
ровнинг «Саргузаштлар»ини четлаб ўтиб бў
майди.

«Гулистон» журнали саҳифаларида эълон қилинга
Ойбекнинг «Алишернинг ёшлиги» номли жажжи қисс
си кичкинтойларнинг қувончига қувонч қўшди.

Бу ажойиб қиссанинг ёзилиш тарихи хусусид
суюкли адибимизнинг рафиқаси қуйидагилари
ёзади:

«Ойбек 1934—1936 йилларда «Навоий» поэмасин
ёзди. Лекин адиб айтмоқчи бу машқ Навоий образи
яратиш йўлида чизилган бир эскиз эди. Кейин кат
полотно—«Навоий» романини яратди. Бу роман
улуғ шоир ва мутафаккир ҳаётининг етуклик дав
ҳаққоний тасвирланади. Алишернинг ёшлигини қалам
олиш нияти адиб қалбида қирқинчи йилларнинг бо
ларида туғилган бўлиб, «Навоий» романини ёзиш да
рида бу иштиёқи янада кучайган эди. Тили, услуб
жиҳатидан мазкур романга яқин бу қиссани 1967 йи
да тугаллаган бўлса-да, ўзига нисбатан ғоятда тала
чан адиб уни қайтадан ишлаш мақсади бўлгани уч
эълон қилишга ошиқмади».

Шоҳруҳ ҳаётининг энг сўнгги кунлари. Улуғбекни
астрономиядаги кашфиётлари тилларда, элларда до
тон. Ҳиротда эса шаҳзодалар ва вазиру вузарола
орасидаги низолар сўнгги нуқтасига кўтарилган.

Алишернинг кўз ўнгида чигал, курашларга тў
ҳаёт картиналари бирма-бир ўтади, турмушнинг тур
зиналарида турувчи одамлар, уларнинг ўзларига х
хулқи, одатлари, хатти-ҳаракатлари, мансаб учун ол
борган нопок курашлари гавдаланади. Шулар бил
бир қаторда ёш китобхон камтар, мулойим феъл
кўзлари ақлли, калта соқоли ўзига ярашган, жусса
кичик Ғиёсиддин кичкина, букчайган қаддида зар т
этаклари ерга сургалиб юрадиган, оқ шоҳи салла

бирик гавҳар тожи ярқираб турадиган, қўлларида асл тошдан терилган тасбеҳ ушлаб юрадиган Шоҳрух шоҳ, Улуғбек таърифида гап кетса ҳамиша очилиб-сочилиб кетадиган ажойиб ранггор услуб эгаси, турк шеърлари ила машҳур Кобулий тахаллусли эллик ёшлардаги Мирсаид, отасини сўкиш билан овора бўлган шаҳзода Абдуллатиф, узун кўк товар кўйлак устидан майин зарбоф камзул кийган, нафис шоҳи рўмолига гуж-гуж ёқут, гавҳарлар тақилган, бўйнига шода-шода дур, гавҳар, қашқир ҳалқалар осган Гавҳаршод бегим билан танишади. Уларнинг ўзларига хос феъли атвори, юриш-туришлари, муомалаларидан огоҳ бўлади.

Адиб Алишернинг шаҳзода Ҳусайн билан танишиши ва унинг билан бирга ўтказган пайтлари ҳақида ҳароратли сатрлар битади. Бошида кичкина ипак салла, устида янги бахмал тўн, оёқларида зарҳал этик, камарига олтин сопли кичик ханжар суқилган Ҳусайн образи китобхон кўз ўнгида ёркин гавдаланади. Ҳар бир парсада иккала дўстни бир-биридан ажратиб турадиган фазилатлар равшан кўринади. Ҳусайн чуввос ҳайқириқлар билан қиличбозлик қилаётган йигитларнинг машқини ўзгача бир завқ билан кузатади. Алишери эса майдонда чопиб юрган отларнинг қайси бири сулув, қайси бири чопқирлиги, кабутарларнинг ажиб рақси мафтун этади.

Ҳусайннинг тантиқ шаҳзодаларга хос хатти-ҳаракатлари — қувлиги, Хонзода бегим билан Абдуллатиф орасида тез-тез бўлиб турадиган суҳбатлар, Ғиёсиддин кичкина билан Гулбегимнинг самимий муомалалари, бобосининг қунт билан ғаровдан най ясаши, Ҳиротнинг «Майдони силоҳ» деб аталган катта майдонида паҳлавонлар кураши — буниг ҳаммаси ёш Алишернинг кўзи билан тасвирланади. «Ниҳоятда саводли, нутқи ўткир йигит билан пича таъби назм гўзал бир қизнинг пок севгилари учун қатл қилинганлиги Алишернинг кўзини очиб, ҳаёт ҳақидаги тасаввурини кенгайтиради.

Қиссанинг сўнггида рамзий бир тасвир бор. Алишернинг бобоси шаҳзодаларнинг тож-тахт учун олиб борадиган бемаъни курашларини ҳар доим ҳикоя қилар эди. Ана шундай ҳикоялардан бирини эшитган Алишер қаттиқ ҳаяжонга тушади ва аста кўчага чиқади. «У энди болаларга қўшилиб ўйинга кириша олмади. Кўнглида бир олам фикр тўфони, кўзларида сирли ҳаяжон

ёқини, баъзан хабарчи бир зум ўлтириб қоларди. Кела
жакнинг буюк шоири балки шу он кўнглида шеър тўқи
ган».

Севимли адибимиз Ойбекнинг сўнгги сўзи бўлга
«Алишернинг ёшлиги» қиссаси тасвирининг тиниқлиги
образларнинг ёркинлиги, тилининг пишиқлиги билан ки
тобхонни ўзига ром қилиб қўяди.

Болалар насрининг уфқини кенгайтиришда Хами
Гуломнинг «Куба ҳикоялари», Асқад Мухторнинг «Дун
болалари» китоблари ҳам ўзларига хос фазилатлар
билан ажралиб туради.

Ҳамид Гуломнинг «Тони Гарсиа» ва «Капитан Арбу
сноннинг ўғли» ҳикоялари Куба болаларининг ҳаётида
олиб ёзилган. Иккала ҳикояда ҳам озод Кубанинг ин
қилобий курашларга бой шонли йўли китобхон кўз ўнги
да гавдаланади.

Тони Гарсиа озод Кубанинг саодатли келажаги учу
жон олиб, жон бериб курашган фидоий болалардан
бири. Унинг отаси Гарсиа Карлос — оғир карвон. Ка
гапиради. Лекин у кўп нарсадан хабардор. Унинг Батис
та юритаётган сиёсатга нафрати зўр. Дилида ҳамиша
она-Ватани Кубанинг тақдирини ўйлайди. Тони ҳа
дадаси сингари эски тузумни кўришга тоқати йўқ. У
ҳам дадаси сингари ишсиз. Фақат Карлоснинг дўстлар
йигиладиган кечалардагина унга иш топилар, балиқчи
ларнинг кулбаларига бориб уларни айтиб келар, йиғи
лиш асноси соҳилга тушиб, полиция сержантининг
йўлига кўз-қулоқ бўлиб пойлар эди. Шу тариқа Тон
революционер бўлиб етишади. Батистачиларга қарш
ўқ отади. *Кубанинг озод бўлишига ўзининг муноси*
ҳиссасини қўшади.

Капитан Арбуснонинг ўғли Эрнестонинг ҳаёти ҳа
Тонининкига ўхшаб кетади. Эндигина ўн учга кирган
озгингина, паканагина Эрнеста дадаси билан Съерра
Маестра тоғларига — Фидель Кастронинг ёнига келади
Бу ерда у революция ғалабаси йўлида Тони сингари кў
ишлар қилади.

Ширали тилда ёзилган бу ҳикоялари билан Ҳами
Гулом ўзбек болалари онгини, уларнинг олам ҳақидаг
тасаввурларини кенгайтиришга ёрдам берди, дейиш мум
кин.

Серқуёш ўзбек диёрининг ўтмиши ва бугунги кун
ҳақида «Кўҳна ва янги йўлларнинг ҳикоялари» китоби

ни ёзишда Асқад Мухтор билан ҳамкорлик қилган адиб Борис Пармузин ҳамкасабаси ҳақида шундай дейди: «Асқад Мухтор билан ҳамкорлигимиз ғоят мароқли бўлди. Унинг нодир фактларни кўп билиши, ёркин деталларни тез-тез таклиф қилиб туриши ишимизни енгиллаштирди. Бунинг сабаблари менга яхши маълум эди. Ёзувчи пахтакорлар ҳаётини ҳам, қўриқ ерларни ўзлаштирувчилар турмушини ҳам, ишчи аҳлининг яратувчилик меҳнатини ҳам яқиндан билади. Шоирнинг «Катта йўлда» поэмаси дашт ерларни ўзлаштирувчиларга бағишланган. «Пўлат қуювчи» поэмаси ва «Дарёлар қўшилган жойда» қиссаси металлурглар ҳаётидан ҳикоя қилади. Адибнинг «Опа-сингиллар» романида хотин-қизлар озодлиги мавзуи, «Қорақалпоқ қиссаси»да эса, қорақалпоқ халқининг эркинлик, бахт, инсоний ҳуқуқлар учун олиб борган кураши қаламга олинган. Фикримча, ёзувчи болалар учун китоб яратишга киришмоқчи экан, у мана шундай катта ижодий ва ҳаётий тажрибага эга бўлсагина муваффақиятга эришиши мумкин».

Асқад Мухторнинг «Дунё болалари» китобига кирган ҳикояларда адиб катта ҳаётий масалаларни бадиий юксак шаклда ифодалайди. «Дунё болалари» тўпламининг қаҳрамонлари — кичкинтой ҳинди Баждат, голландиялик бола Виллем, турк қизалоғи Кабрия, совет сайёҳлари ёқтириб қолиб, Гаврош деб от қўйишган паришлик ботинка тозаловчи Эмиль, донакил Абу Дибян қизи Хаккая... Уларнинг қарийб барчаси болалик неъматларидан бебаҳра, чунки улар жамиятнинг «ўгай» фарзандлари — камбағал табақаларнинг болаларидир. Асқад Мухтор қаҳрамонлари фақат бир парча нон учунгина курашмайдилар, балки келажак ҳақида ҳам ўйлайдилар, яхши кунларни қандай яқинлаштириш мумкин, деган саволни ўзларига тез-тез бериб турадилар, дориломон, бахтиёр замонлар келишига ишонадилар...

Баждат — браҳманлар тоифасига мансуб. Шунинг оқибатида у на камар деган паст табақадан бўлган Пунти билан, на ота-онаси бошқа диндан бўлган Авранг билан ва на бой браҳман қизи Лекка билан дўстлаша олади. Ижтимоий тенгсизлик улар ўртасидаги дўстликка гов қўяди. «Мана шунақа,— дейди Баждат қайғули мулоҳазаларини ўртоқлашар экан,— ҳовлимизда шунча болалар бору, бироптаси билан ошна бўлолмадим.

Катталарга ҳайронман. Нима қиларкан, мининг хил қонун-қоидаларни ўйлаб чиқариб...»

«Нега шундай?» Китобни ўқир экансиз, бу савол «Дунё болалари»ни ўқиган китобхонлар дилида қайта-қайта пайдо бўлади. Пер-Лашез қабристонига девор ошиб кириш мумкин эмаслигини тушунтириш осон. «Пер-Лашезнинг деворига оёқ қўйиб бўлмайди, унда коммунарларнинг қони бор»,— дейди «Гаврош» ҳикоясининг қаҳрамони Эмиль. Бундай парсаларни тушунтириш ҳам, тушуниш ҳам қийин эмас. Бироқ, нега бировнинг егани олдида, емагани ортида-ю, бошқалар парча нонга зор? Нега бировлар эрта-ю-кеч меҳнат қилади-ю, ҳузурини бошқалар кўради? Нега Гаврошнинг дунёга келиши онлага бахт ўрнига бахтсизлик келтирди?.. Бундай саноқсиз «нега»ларга капитал, бойлик ҳукмрон мамлакатларда тўғри жавоб топиш осон эмас. Лекин эндиликда бу мамлакатлардаги болалар ўз саволларига тобора аниқроқ жавоб олмоқдалар. Негаки, уларнинг мургак онгига сарҳадлар оша янги замон, адолатли ва инсоний дунё ҳақидаги ҳақиқат етиб бормоқда. Бу ҳақиқат уруғлари униб, муқаррар равишда ўз меваснни беражак. Ёзувчи Асқад Мухтор бу ёш ўғлонлар ва қизалоқлар орасидан ҳозирданоқ келажакнинг ажойиб кишилари — инсоният бахт-саодати ва озодлиги йўлида толмас курашчилар шаклланаётганлигини ишонтирарли қилиб кўрсата олган.

Ҳозирги замон капитал дунёси, унинг иллатлари ва буржуа мамлакатларидаги соф виждонли кишиларнинг адолатли тузум, инсоний ҳуқуқ учун олиб бораётган кураши бошқа адибларимизнинг асарларида ҳам ҳикоя қилинади. Бадиий савияси турлича бўлишига қарамасдан, бу асарлар умуман ижобий баҳоланишга лойиқдир. Негаки, мазкур асарларда совет болаларига нотаниш олам ҳақида, капиталистик мамлакатлардаги ҳаёт, меҳнаткаш омманинг яхши турмуш ва эркинлик йўлидаги курашлари таснирланадики, бу болаларимизда чет эл меҳнаткашларига нисбатан қардошлик, хайрихоҳлик туйғуларини тарбиялайди, бошқа халқлар ҳаёти ва маданиятига қизиқиш уйготади.

Ҳақиқатни ёзиш — ҳаётий воқеа ва ҳодисаларни тўлиқ акс эттиришдангина иборат эмас, балки эндигина туғилиб келаётган куртак ҳолидаги янгиликни илғаб олиб, ҳаққоний, чуқур ифодалаб бериш ҳам демакдир.

Янгилик ҳеч қачон бирдан кўзга яққол ташланмайди, ни илғаб олиш барчага ҳам насиб қилавермайди,— ейди Комил Икромовнинг «Дорбоз Маҳмуд» повести-нинг бош қаҳрамони.— Кўзи ўткир одам саҳрода туяни ли чивиндан кичик кўринган чоғида ҳам кўра олади. уя яқинлашгани сайин аввал ит катталигида кўзга ча-нади, кейин яна катталашади — туя ҳолида кўринади. ироқ, бу — *энди* янгилик эмас: оддий туя».

Болаларнинг севимли шоири Самуил Маршак ўзи-нинг Максим Горький хотирасига бағишланган этюд-аридан бирида шундай деб ёзган эди: «Кунларнинг ирида Максим Горький мени Мало-Никитскийдаги уйи-а чақириб қолди. Бениҳоя катта ташвиш билан устоз-нинг уйига бордим. Унинг кайфияти мен кутгандан кўра ам анча баланд эди. Сўзни, биринчи бўлиб, устознинг зи бошлади:

— Болалар учун асар ёзадиган адиб ўз ўқувчилари-нинг орзу-умидлари, буюк истаклари, тиним билмас ашвишларини тушуниши ва ҳис қилиши лозим. Кич-нитой китобхонлар менинг номимга йўллаган ўзлари-нинг мактубларида сеҳрли қаҳрамонлар тақдирини кўр-атувчи саргузашт асарлари ёзиб беришимни илтимос илишибди. Сиз бу таклифга қандай қарайсиз? Менимча, жуда ҳам ҳаққоний талаб».

Буюк адибнинг орзуси амалга ошди. Эндиликда умсовет болалар адабиётида кўплаб саргузашт ва лмий-фантастик асарлар яратилди. Улар кичкинтой итобхонларнинг севимли китоблари қаторидан жой лди. Шу хилдаги китоблар орасида Худойберди Тўх-абоевнинг «Сариқ девнинг ўлими» романи ўзига хос рнини эгаллайди. Бу романнинг «Сариқ девни миниб» еб номланган биринчи китоби адабий жамоатчилик омонидан илиқ кутиб олинди. Унинг автори эса рес-убликa Ленин комсомоли мукофоти билан муносиб ақдирланди.

Худойберди Тўхтабоевнинг «Сариқ девнинг ўлими» романи даставвал «Ёш ленинчи» газетаси саҳифаларида лон қилинди. Роман китоб ҳолида чоп қилинишн би-ан китобхонлар орасида қизғин баҳслар ва мунозаралларга сабаб бўлди. Ёзувчининг номига хатлар кети-ан хатлар оқиб кела бошлади. Бу хатларда авторга урли хил саволлар ёғилди. «Ҳошимжоннинг тақдири има билан тугайди?», «Сеҳрли қалпоқчанинг хатти-

ҳаракатлари, ўзини тутишлари бизга ҳам маъқул тушди», «Биз Ҳошимжонни севиб қолдик», «Романнинг давомини интизорлик билан кутамиз»...

Хуллас, асар матбуотда чоп қилиниши биланоқ китобхонлар ва танқидчиларнинг меҳри муҳаббати, ишончи эътиборига сазовор бўлди. Уларнинг ҳаммаси бир оғиздан Ҳошимжоннинг саргузаштлари жуда ҳам қизиқарли, ҳикоя қилинганлигини эътироф этишди. «Худойберди Тўхтабоевнинг қаҳрамони,— деб ёзади М. Қўшжонов,— замонавий «шум»лардан. Ғафур Ғуломнинг шум боласи эски замон замирида ҳаракат қилади. Унинг хатти-ҳаракатлари билан синфий зиддият асосига қурилган замоннинг чиркин иллатларини фош қилади. Худойберди Тўхтабоев қаҳрамони эса олға бораётган бугунги кун замирида рўй беради. Унинг хатти-ҳаракатларини кузатиб, биз ҳанда уриб куламиз ва янги жамият замирида ўзимизни мустаҳкам ҳис қилган ҳолда, бу жамиятга ёт бўлган баъзи бир иллатларнинг фош қилинаётгани ва бу ишда қаҳрамоннинг фаҳм-фаросати билан таниш-тенгунга офарин деймиз»[1].

Шундай экан, ўз-ўзидан табиий савол туғилади. Ҳошимжоннинг китобхонлар эътиборини қозонишига сабаб нима?

Аввало, Ҳошимжон билан яқиндан танишайлик. Унинг жиндай айёр, жиндай лофчи, жиндай қўрқоқ, жиндай ёлғончи бола. Аммо бутун вужуди билан адолатпарвар, ҳаёлпараст. Ҳошимжон қайси бир ишга қўл урмасин, албатта, уни сидқидиллик билан адо қилишга, одамларга *нинг тилига тушишга, мақтовлар эшитишга интилади. Лекин унинг ҳаётий тажрибаси кам. Шу сабабдан яшаш учун сидқидилликнинг ўзигина камлик қилишини билмайди. Ҳали биз Ҳошимжонни ҳаёлпараст дедик. Ишга аҳд қилсам, уни охирига етказмагунча қўймай-диган одатим бор. Жонимни қийнаб бўлса ҳам мақсадимга етаман».*

Ҳошимжон ҳамиша улкан орзу-ҳаёллар оғушида юради. Унинг орзулари хилма-хил. Лекин улар орасида битта энг муҳими бор. Бу — тезроқ катта бўлиш, улғайиш орзусидир. Лекин қандай қилиб тезроқ улғайиш мумкин? Қандай қилиб ҳаётнинг катта йўлига чиқиб олиш мумкин? Албатта, аввал бирорта касбнинг бошини ушлаш лозим. Лекин «касблар ҳам бири биридан қизиқ. Орзулар ҳам бири биридан сеҳрли». Қисқаси, Ҳошимжон осонгина касб танлаб, уни осонгина ўзлаштирмоқчи.

[1] *М. Қўшжонов.* «Замонавий шум бола», «Совет Ўзбекистони» 1974 йил, 16 июль.

Китобхонларнинг ёдида бўлса керак. «Сариқ девни минib» романининг сўнгги саҳифаларида Ҳошимжон сеҳрли қалпоқчаси билан ҳаётнинг катта йўлига чиқиб олишга уриниб, лекин илмсизлиги туфайли орзулари амалга ошмасдан, ора йўлда қолиб кетган эди.

Орадан йиллар ўтди. Ҳошимжон энди улғайиб қолди. Саккизинчи синфни битираётир. Ниҳоят, кўпдан бери орзу қилиб келган ниятини амалга оширмоқчи. Лекин орадан *шунча* йиллар ўтса ҳамки, Ҳошимжон ўша-ўша бегубор, ўша-ўша мақтанчоқ, ўша-ўша лофчи, ўша-ўша ҳазилкаш. Саккиз йилликни битириш арафасида мактаб директори ундан қайси касбни танлашини сўраганида «сартарош бўламан», дея ишонч билан жавоб беради. Унинг сартарошлик касбини танлашининг ҳам сабаби бор. «Ким нима деса деяверсин,— дейди у,— лекин дунёда сартарошликдан яхши касб йўқ. Ўша ҳар хил уйлар қуриб, одамларни хурсанд қиладиган инженерлар ҳам, маза қилиб шеърлар ўқийдиган шоирлар ҳам, қизиқчилик қилиб ҳаммани қиқирлатиб кулдирадиган артистлар ҳам бари бир эгилиб сартарошга салом беришади».

«Ҳамма сартарошга эгилиб салом беради». Бу, бир қарашда жуда ҳам кулгили гап, бу гапнинг замирида кишини ўйлантирадиган, сергаклантирадиган қандайдир чуқур маъно бор. Бу гап ҳар бир одамни ҳаётнинг қумбоқлари устида ўйлашга, фикрлашга ундайди. Аммо сартарошлик касбини эгаллаш осонми? Ҳошимжоннинг назарида сартарошлик касбини эгаллаш анчоқ чақишдек осонгина бир нарса. Мана унинг ўзи шу ҳақда нима дейди: «Шундай қилиб, мен сартарош бўлишга аҳд, қарор қилдим. Биласиз-ку, бирор ишга аҳд қилсам, уни охирига етказмагунча қўймайдиган одатим бор. Жонимни қийнаб бўлса ҳам мақсадимга етаман».

Мана шу тахлит, ярим эртак, ярим афсона, ярим саргузашт билан бошланган Ҳошимжоннинг бири биридан қизиқ, бири биридан сеҳрли саргузаштлари билан танишамиз.

Ниҳоят, у ўз орзусига эришди. Сартарош бўлди. Кейин маълум бўладики, Ҳошимжонни сартарошлик касбининг ўзигина қизиқтирмайди. Унинг учун бир жойда тинчгина ўтириш мутлақо бегона. Сартарош бўлиб, одамларнинг сочи соқолини олиб юравермасдан, сар-

тарошхонага янги бино қуриш пайидан бўлади, бу ҳақ
да раисдан ваъда олади. Аммо орадан кўп ўтмасдан
бир тасодиф воқеа юз беради, ишининг чуви чиқиб қо
лади-ю, Ҳошимжон сартарошликдан қувилади. Аммо у
тушкунликка тушмайди, ўз хатти-ҳаракатларига баҳо
бериб, бундай дейди: «Бир кўзим йиғласа, бошқа кўзим
кулиб турадиган одатим бор». Яна ўша жиндай бўрт
тирилган, аммо чин юракдан айтилган самимий гап.

Ҳошимжон бирон фойдали ишга қўл урмоқчи бўлса,
аввало, уни хаёлида жонлантиради. Тенгдошлари син
гари уни ҳам бир вақтлар ота-онаси милиция ва доктор
ларнинг номлари билан қўрқитишган. Шунга қарамас
дан, Ҳошимжон тоифасидаги хаёлпараст болалар нега
дир милиция ва докторлардан қўрқиш ўрнига уларга
муҳаббат қўйишади. Бунинг устига бир пайтлар унинг
дадаси ҳам милиционернинг ёрдами билан тасодифан
ўғриларнинг таловидан омон қолган. Шунинг учун ҳам
милиция мактабига кириш таклиф қилинганида Ҳошим
жон аввал бир оз иккиланиб туради-да, сўнг рози бўла
ди. У милиция мактабини битириб, ОБХС бўлимига
ишга ўтади. Шундан кейин дарров халқ мулкига хиё
нат қилувчиларнинг адабини ҳам бериб қўймоқчи бўла
ди. Бу осон иш эмас. Негаки, халқ мулкига кўз олай
тирувчилар анойи одамлар эмас. Уларни фош қилиш
айбларини «елкасига юклаш» жуда ҳам машаққатли
иш. Ҳошимжон уларни фақатгина «сеҳрли қалпоқча»
сининг ёрдами билангина фош қила олиши мумкин.
Ана шу тариқа «Сариқ девнинг ўлими» романининг
жанри ҳам тайинланади.

«Сариқ девнинг ўлими» романини шартли маънода
гина саргузашт асар дейиш мумкин. Негаки, романда
маиший ҳикояларга хос бўлган тасвир усули ҳам, сар
гузашт ва детектив жанрига хос бўлган эртакчасига
ҳикоя қилиш усуллари ҳам учрайди. Эҳтимол, жанрлар
нинг бу хилдаги «чатишиб кетиш» ҳодисаси илмий-тех
ника революциясининг ўзига хос аломатларидандир.
Ғалати бир ўхшашлик. Сўнгги йилларда олимларимиз
ҳам турли хил навларни ўзаро «чатиштириш» орқали
кашфиётлар яратмоқдалар.

Худойберди Тўхтабоев ҳам ўзининг бу романида гур
ли хил жанрларга хос бўлган белгилардан усталик би
лан фойдаланади. Шу боисдан ҳам романда маиший
тасвир детектив тасвир билан, саргузашт тасвири со

реалистик тасвир билан алмашиниб туради. Бу тахлитдаги тасвир усули асарнинг ўқимишли бўлишига, қаҳрамон саргузаштларининг яна ҳам қизиқарли ва жозибали чиқишига сабаб бўлган. Бутун роман давомида сеҳрли қалпоқча халқ мулкига кўз олайтирувчилар, талон-торож қилувчиларга қарши курашда Ҳошимжонга ёрдам беради. Асарнинг қизиқарли ўқилишини таъминлайдиган омиллардан бири ҳам сеҳрли қалпоқчанинг иштирокидир. Бир пайтлар айрим танқидчилар, бугунги кунда сеҳрли қалпоқчалар ҳаётимизда йўқ, шундай экан, уни асарга олиб киришнинг ҳожати бормиди, деган маънода таъна ҳам қилишди. Тўғри, ҳаётда «сеҳрли қалпоқча»лар йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Бу ҳодисани болалар ҳам жуда яхши билишади. Шунга қарамасдан, негадир улар сеҳрли қалпоқчани шоду хуррамлик билан кутиб олишади, унинг ҳар бир хатти-ҳаракатини маъқуллашади, хахолаб кулишади, ачинишади, ўрнак олишади. Нега шундай? Гўё бу ерда қандайдир англашилмовчилик юз бераётганга ўхшайди. Бизнингча, ҳеч қандай йоқиқлик ва англашилмовчилик юз бераётгани йўқ. Дунё болалар адабиётининг тажрибаси шуни кўрсатадики, болаларга ҳақиқатни англатиш учун хизмат қиладиган ҳамма воситалар бадиий асардан ўрин олишга ҳаққи бор. Сеҳрли қалпоқча ҳам, кўзга кўринмас одам ҳам, эзгуликка хизмат қиладиган ғалати шамчироқ ҳам, «меҳрибон» ловия ҳам шундай восита бўлиши мумкин. Демак, сеҳрли қалпоқчанинг Ҳошимжон билан дўстлашишга ва бинобарин, романдан «ўрин» олишга ҳаққи бор.

Ҳошимжон «сеҳрли қалпоқча» билан қанчалик дўст бўлмасин ва эзгу ишларни бажармасин, унинг ҳаётида одамларнинг роли катта бўлди. Агар ана шу «эзгулик уругини сепувчи» одамлар бўлмаганида сеҳрли қалпоқчанинг сеҳри ҳам ҳеч қанақа таъсир кўрсата олмас эди. Шу маънода ОБХС бўлимининг бошлиғи Салимжон Отажоновнинг намунали ишлари Ҳошимжоннинг ҳаётида сабоқ бўлди. У давлат ва халқ мулкига хиёнат қилувчиларни мутлақо аямайди. Адолатпарварлик унинг қон-қонига сингиб кетган. Салимжон ака ҳалол, меҳнаткаш одамларга нисбатан ҳамиша меҳрибон ва адолатли, лекин жиноятчиларга нисбатан бениҳоя қаттиққўл.

Бу образ Худойберди Тўхтабоев ижодидагина эмас, балки сўнгги йиллар болалар адабиётининг ҳам улкан

ютуғидир. Негаки, чоп қилинаётган кўпгина қиссалар ва достонларда берилаётган катталар образлари нуқул панд-насиҳатлар билан шуғулланади, шу сабабли уларнинг тарбиявий таъсири ҳам самарали бўлмас эди. Тўғри, баъзан Салимжон ака ҳам Ҳошимжонга насиҳат қилади. Баъзан янглишади, жиддий хатоларга йўл қўяди. Лекин у — халқпарвар. Адолат йўлида ҳатто яқин кишиларини ҳам аяб ўтирмайди. Бирдан-бир ўғли Каримжон жиноят йўлига кирганида уни оқламайди. Одил Аббосов сингари пихини ёрган қаллоблар билан юзма-юз келганида бутун ҳунарини ишга солиб, уларни фош қилади. Жиноятчилар билан кураш олиб боришни ҳам Ҳошимжон Салимжон акадан ўрганади. Биз танқидчилар болалар адабиётида салбий образ яратишнинг мураккаблигини ҳамма вақт ҳам тушунавермаймиз. Ваҳоланки, салбий образлар кичик китобхонларнинг нафратини уйғотиш даражасига кўтарила олмаса, уларнинг тарбиявий аҳамияти ҳам пасайиб кетади. Шу жиҳатдан «Сариқ девнинг ўлими» романидаги Одил Аббосов образи анча ибратлидир.

Одил Аббосов замонавий буқаламунларнинг энг ёрқин типларидан бири. У кўринишда жуда мулойим бўлса ҳам, аслида пихини ёрган. Халқ мулкини ўмариш йўлида ҳар қандай ўғрини бир чўқишда қочиради. Одил Аббосов хилидаги буқаламунлар халқ мулки ҳисобига дангиллама участкалар қуради, ҳалол меҳнат қилаётган кишиларга туҳмат тошлари ёғдиради. У Салимжоноканинг уйига ўт қўйган, унинг болаларини ўтда куйдирган, яккаю ёлғиз фарзанди Каримжоннинг қўлига тўппонча тутқазиб жиноятга етаклаган.

Асосан саргузашт жанрида ёзилган бу романда яхши маънодаги детектив тасвир усули етакчилик қилади. Детектив тасвир усули эса рамзий образлар, воқеалар, ҳодисаларнинг шартли равишда берилишини, бинобарин, тасвир меъёрига қаттиқ риоя қилинишини талаб қилади. Шартлилик усулига мурожаат қилиш Ҳошимжон билан сеҳрли қалпоқча орасидаги муносабатларда, иккаласининг Одил баттолнинг кетидан қувиб, Ҳўжа Аҳрор Вали масжидига кириб бориши, Шайх Одил сага насидаги ғаройиб суҳбатни тинглаши картинасида жуда ҳам ўринли қўлланилган. Сўнгра Одил баттол ва унинг ҳамтовоқларининг музей экспонатларига айланиши, жамоатчиликнинг ишни қўлга олиши ва текинхўрларга

нарши кураши тасвирида ҳам шартлиликка риоя қилинади. Шу сабабли китобхон бу воқеаларнинг ичида бўлади ва уларнинг ҳаётийлигига ишонади.

Лекин адиб баъзан воқеалар ва ҳодисаларни тасвирлашда жанр талабларини унутиб қўяди, атайин кулгини уйғотиш учун фавқулодда ҳодисалар тасвирига ўзини қиб кетади, натижада баъзи ҳолларда ҳаётийликка путур етади.

Ҳабиб Пўлатовнинг «Кичик сеҳргар» қиссасидаги замат ҳам баъзи томонлари билан Ҳошимжонга ўхшаб кетади.

Азамат яхши ўқийди, уй ишларида онасига кўмаклашади, бўш вақтларида тенгдошлари билан ўйинқароқликка берилади. Бу жиҳатдан унинг тенгдошларидан қандай фарқи йўқ. Бироқ, гап кимё устига кўчди гунча, унинг шўхлигидан асар ҳам қолмайди. Азамат фанга жон-дили билан берилган.

Тўғри, автор кимё ҳақида асарнинг сўнгги саҳифаридагина гап юритади. Аввал-бошда эса Азаматнинг барчани ҳайратга солган «мўъжиза»лари тасвирланади.

Азамат бутун қисса давомида фокус кўрсатади. Унинг янги маҳалла бўйлаб тарқалади. Бир сафар бу бола лорка кислота воситасида тухумни графин бўғзидан ўтказади. Бу фокуснинг сирини ҳатто катталар ҳам ечолмайдилар. Шундан кейин асар қаҳрамони «кичик сеҳргар» деган ном чиқаради.

Кичик сеҳргарнинг ишлари автор томонидан шу даражада қизиқарли тасвирланганки, катта ёшдаги китобхон ҳам бенихтиёр «Бундан кейин нима бўлар экан», деб сюжет ривожини мароқ билан кузатади. Ирим-чимга ишонувчи бидъатчи кампирлар Азаматга инсонлар ёрдам бераётган бўлса керак, деб ўйлайдилар. Кичик сеҳргарнинг ўртоқлари эса, Азамат кўрсатган фокусларни такрорлай олмай тажанг бўлишади. Хуллас, биров «у», дейди, биров «бу», дейди.

Аслини олганда-чи? Азамат фокусларининг «сири» жуда оддий: ҳамма «сир» кимё фанига ўта қизиқишда! Воқеани мароқли ҳикоя қилар экан, Ҳабиб Пўлатов ёш қаҳрамоннинг бой маънавий дунёсини тасвирлашга ва шу билан Азамат характерининг шаклланишига эришади. Кичик сеҳргар ҳаётида шундай пайт ҳам бўладики, ҳаммани унинг билимдонлигидан ҳайратланади, қойил қолади.

Шунда Азамат кеккайиш одатини чиқаради. Бир
пировард-натижада ёш қаҳрамон ўз вақтида эсини
гади, бу иллатнинг газак олиб кетишига йўл қўймай

Қиссанинг сўнгги саҳифаларида кимё муаллими А
мат билан биргаликда мактаб залида ота-оналар ҳам
ўқувчилар ҳузурида кимё фанининг ютуқлари ва им
ниятларини намойиш қиладилар. Ана шундагина бар
англашилмовчиликлар ҳам, Азамат «сеҳргарлигини
сири» ҳам маълум бўлади.

Катта мақсад сари интилган ўсмирнинг жозиба
образини яратар экан, ёзувчи илм-фан сирларини эг
лашга бўлган чинакам қизиқишгина ўз ичининг «се
гарлари»ни, ҳақиқий мутахассисларни бунёдга кели
ди, деган фикрни табиий тарзда китобхон онг
сингдиради. Китобнинг катта тарбиявий ва ташви
аҳамияти ҳам ана шундадир.

Агар ёзувчи ҳаётни бир ёқлама акс эттириб, бола
билан катталар муносабатларидаги мураккабликлар
муҳаббатнинг уйғониши каби нозик масалаларни чет
ўтар экан, у яратган асар ҳаёт ҳақиқатини ҳаққо
кўрсата олмайди, бинобарин, унинг таъсир кучи
етарли бўлмайди.

Совет болалар адабиётида ўсмирлар орасидаги
ва беғубор муҳаббат туйғулари шоирона тасвирлан
юксак санъат асарлари кўп. Чунончи, Аркадий Гайд
нинг «Тимур ва унинг командаси» повестида
Тимур ва Женя муносабатлари, Рувим Фраерманн
«Ёввойи ит Динго ёки биринчи муҳаббат ҳақида к
са» асаридаги Филька — Таня — Коля муносабатл
фикримизнинг далилидир.

Рувим Фраерман повестининг бош қаҳрамони — ня Сабанееванинг ота-онаси ажралиб кетишган. Онла бахтиқароликнинг сабабларини қиз билмайди. Таня тўрт ёшидагина отасини биринчи марта кўради. Ху шу воқеадан кейин қизнинг ҳаётида мураккаб, муш давр бошланади. Сон-саноқсиз, гўё ҳал этилиши қи бўлган муаммолар Таняга тинчлик бермайди. У о онасининг ҳам яхши, ҳурматга сазовор одамлар эк ликларига шубҳаланмайди. Бироқ, нега шундай бўлс отасиз ўсмоқда? Бунга ким айбдор?

Ана шундай оғир пайтда Таняннинг ўзи отасин асранди ўғли Коляни севиб қолади, бу севги эса Тан жонидан ортиқ кўрувчи бошқа бир бола — Филькан

оғир изтироб чекишига сабабчи бўлади. Ёзувчи Таня калбида унга аввал нотаниш бўлган бу мусаффо туйғунинг туғилишини юксак маҳорат ва самимият билан тасвирлайди. Адиб бу пок муҳаббат қизга қай тариқа унинг ўзини, одамлар ва табиатни қайтадан кашф этишга ёрдам берганлигини, уни ўзгаларнинг дардларига ҳамдард қилганлигини ҳаққоний кўрсатади.

Аркадий Гайдар, Рувим Фраерман асарларида муҳаббат тасвири алоҳида ажралиб турмайди, балки асарлари ўзга муаммолар билан узвий бирликда ифодаланади. Ёки, бошқача қилиб айтганда, бу адиблар асарларида муҳаббат қаҳрамонлар характерларини шакллантирувчи омилларнинг бирига айланади. Ўзбек болалар адабиётининг ёш авлоди ижодида ҳам болалар ва қизлар ўртасидаги мураккаб муносабатларни тасвирлашга мойиллик сезилмоқда. Тўғри, бу ижобий тенденция ҳали катта муваффақият келтирди дейиш қийин. Лекин бундай тенденциянинг вужудга келганлигининг ўзи қувончлидир.

Латиф Маҳмудовнинг «Турғун» ҳикояси қаҳрамони жанрда энг новча, энг кучли, шу билан бирга, энг интизомсиз ўқувчи. У ўзининг хулқи танқид қилинган девор газетани йиртиб ташлайди ва бу қилиғи учун дашном берган Насиманинг портфелига типратикон тиқиб қўяди.

Ҳикоя воқеасининг ривожи ана шу ҳодисадан бошланади. Насима қўрққанидан тилдан қолади ва шифохонага жўнатилади. Бу кўнгилсиз воқеа Турғуннинг ҳушини жойига келтиради. У Насимани кўриш учун ҳар куни шифохонага қатнаб, турли йўллар билан қизнинг кўнглини овлашга интилади, китоблар элтади. Болалар Турғуннинг тамоман ўзгариб, ювош ва ўйчан бўлиб қолганига ажабланадилар.

Ёзувчи бу ўзгаришнинг сабабларини тушунтирмайди. Бироқ Турғунни ўзгартириб юборган нарса — қилмиши учун жазоланишдан қўрқиш ва кўпчилик олдида шарманда бўлиш хавфи эмас, балки бу мўъжизалар кучининг номи — муҳаббат эканини яхши очиб беради. Эҳтимол Турғуннинг ўзи буни ҳали англаб ҳам етмагандир. Лекин ҳозирча қизни қаттиқ дардга дучор қилганидан изтироб чекади. Насима тузалган сайин эса шундай сезинадики, бу қувончини одамлардан яширишга ҳам ожиз қолади. Бошқача қилиб айтганда, муҳаббат туйғуси —

инсонни улугловчи бу гўзал, мусаффо туйгу ҳикояда са
мимий ифодаланган.

Латиф Маҳмудов ўзбек совет болалар адабиётини
сўнгги авлодига мансуб ёзувчилардан. У 1935 йили Тош
кентда туғилган. Урта Осиё Давлат университети — ҳо
зирги ТошДУни тугатган. Унинг ҳикоялари, асарда тас
вирланаётган вазият характери тақозосига кўра, го
юмористик, гоҳ истеҳзоли, гоҳида эса лирик йўналишд
ёзилган.

Латиф Маҳмудов қаҳрамонлари баъзан хазина то
моқчи бўлиб, девор тагидан лаҳм қазадилар, баъза
янги кўчиб келган қўшнининг ҳовли супураётган бола
сини калака қиладилар, баъзан асов тойни жиловла
олишга уринадилар, баъзан эса, синфдошларини тимур
часига иш кўрсатиб қойил қолдиришга ҳаракат қила
дилар. Болалар нимагаки интилсалар, ҳаммасини яхш
ният билан қиладилар. Бироқ оқибат улар ўйлаганини
тескариси бўлиб чиқади.

Масалан, дўстлар шаҳар бўйлаб ҳеч кими йўқ, ё
дамга муҳтож кампирни излаб юрганларида, Раҳма
ларникида тимурчи синфдошлари унинг онасига ке
тирилган кўмирни ташиб олишга ёрдамлашаё
ган бўладилар. Хазина топиб шуҳрат қозонамиз, д
ган болалар, ўзлари истамаганлари ҳолда, Сали
ота ҳордиқ оладиган супани бузиб ташлайдилар ва ҳ
казо.

«Агар диққат қилинса,— деб ёзади адабиётшун
Салоҳиддин Мамажонов,— унинг асарларида учрайд
ган ҳар бир илғор ёки қолоқ болалар ёнида йўлдош
бўлади. Латиф Маҳмудов болаларни худди шу ўз муҳ
ти билан олади, бу нарса уларни хатти-ҳаракати бил
кўрсатиш имконини беради, характерлар тўқнашуви
кескинлаштиради, кулгили ситуацияларни келтириб ч
қаради».

Адабиётшуноснинг фикрларида мунозарали ўрин
йўқ эмас. Тўғри, бир масалада Салоҳиддин Мамажоно
нинг кузатишлари ўқувчиларни ишонтиради: адибни
ҳикоялари, қиссалари, пьесаларида «болалар ўз муҳ
ти билан олинади», «ҳар бир илғор ёки қолоқ болани
ёнида ўз йўлдоши бўлади». Лекин ушбу ҳодиса ҳ
доим «характерлар тўқнашувини кескинлаштириб, ку
гили ситуацияларни» келтириб чиқарадими? Бу ҳақ
узил-кесил хулоса чиқариш учун ҳали эрта. Негаки, Л

тиф Маҳмудов ҳозир изланишлар палласида. У кичкинтойларни даврнинг долзарб муаммолари билан таништиришга астойдил интилади. Ана шу интилишлар ва ижодий изланишлар самараси натижасида унинг «болалари ўз муҳити билан олиб» акс эттирган бир қанча асарлари пайдо бўлди. Уларда эзгуликни улуғлаш, нуқсонларини қоралаш учун одобли бола билан одобсиз бола, аълочи бола билан дангаса образлари бир-бирларига қарама-қарши қўйилди. Буларнинг ҳаммаси яхши. Аммо Латиф Маҳмудовнинг сўнгги пайтларда эълон қилаётган ҳикояларидаги илғор бола билан қолоқ бола образлари адибнинг бошқа асарларидаги қаҳрамонларига бир оз ўхшаб қолаётир. Қаҳрамонларнинг бир-бирларига ўхшаб қолиш ҳодисаси уларнинг бир хил андоза асосида «тўқилаётган»лигидан бошқа нарса эмас. Зеро муайян ҳаётий материал ўзига мувофиқ бадиий шаклни тақозо қилади. Биз демоқчи бўламизки, адиб ҳаётни акс эттириш принциплари хусусида жиддийроқ ўйлаб кўриши, истеъдодини аллақачонлар босиб ўтган йўлини яна қайтадан тиклаш учун ортиқча меҳнат сарф қилиб ўтирмаса деймиз.

Болаларнинг маънавий дунёсини бойита оладиган, уларни эзгуликка муҳаббат, қабиҳликларга нафрат руҳида тарбиялайдиган баркамол асарлар ёзиш осон эмас. Ўз-ўзидан тушунарлики, воқеаларни шунчаки қайд қилиш ҳам, қуруқ панд-насиҳатлар ўқиш ҳам ҳеч кимни қизиқтирмайди. Бинобарин бир хил бўёқлар билан чизиладиган қаҳрамонлар дили баланд, зийрак китобхонларни ўз орқаларидан эргаштиролмайди. Шунга қарамасдан баъзи айрим ёзувчилар қандай ёзсак ҳам кичкинтойлар қабул қилаверади деб ўйлашади. Худди мана шу хилдаги тушунча сабабли сўнгги йилларда енгил-елпи ёзилган латифанамо ҳикоялар, достонлар, қиссалар пайдо бўлиб қолди. Биз адабиётда латифанамо асарларнинг яратилишига қарши эмасмиз. Бундай асарларнинг яшаш»га ҳаққи бор. Лекин бундай асарлар китобхонларни ўйлашга, фикрлашга, яшашга ўргатиши лозим. Эрмак учун латифа тўқиш — бу ўша ёзувчининг айтмоқчи бўлган зарур гапи йўқлигини англатади, холос.

Бу мулоҳазалар эндигина ўз йўлини топишга интилаётган ёшлар ижодигагина тааллуқли эмас. Мен бу ерда бир пайтлар кенг китобхонлар оммасининг диққат-

эътиборига сазовор бўлган тажрибали ёзувчиларнинг асарларини ҳам кўзда тутаётирман. Ҳозирги кунда самарали ва водли ёзишнинг ўзигина етарли бўлмай қолди. Гейне нинг ажойиб бир фикри бор: «Адиб қалби дунёни тинглайди». Бу гап болалар ёзувчиларининг ижодига ҳам бевосита тааллуқлидир. Негаки, ўз даврининг ҳозиржавоб масалаларини қаламга олмаган адибнинг китобларини ўқувчисиз қолади.

Мен бу ўринда бир пайтлар ўзининг айрим дилбар шеърлари билан ўқувчилар ҳурматига сазовор бўлган Азиз Абдураззоқнинг болалар ҳаётидан олиб ёзилган «Аззамоннинг ҳикоялари» номли саргузашт қиссасини назарда тутаётирман. Китобхон менинг нимага шаиа қилаётганлигимни сезаётган бўлса керак. Бу қиссани ҳам шунчаки эрмак учун тўқиган латифа дейиш мумкин.

Қисса қаҳрамони Аззамон жуда ҳам ювош бола. Ҳеч қачон бировни хафа қилган эмас. Агар бирон нарсадан норози бўлса «ўзича йиғлаб қўя қолади». Уй ҳайвонларини севади. Дадаси унга «қоп-қора жунлари жингалак қўзичоқни олиб келганида» суюниб кетади. У нимани кўрган, билган, эшитган бўлса, шу ҳақда эзмалаиб ҳикоя қилади. Унинг ҳикоясига қулоқ солсангиз, «дадаси олиб келган қўзичоқнинг бўйнига қўнғироқ таққани, унинг диконглаб юриши, данакдай-данакдай иккита шохининг борлиги, кетидан ола қашқа бузоғининг диконглаб қочиши, сузғонлиги, ҳўкиздек семириб кетиши»ни билиб оласиз. Эҳтимол, бу билан ёзувчи Аззамоннинг уй ҳайвонларига бўлган меҳр-муҳаббатини алоҳида таъкидлаб кўрсатаётгандир. Лекин барибир унинг ўқувчиларга намуна бўладиган фазилатлари кўринмайди. Қаҳрамоннинг уй ҳайвонларига бўлган муносабати лоқайдлик сезилади. У ўзининг дарслари билан ўралашиб қолган. Шу сабабли Аззамоннинг китобхонлар ўрнак бўладиган томонлари очилмаган. Адиб ўз қаҳрамонининг ҳаётида рўй берган айрим воқеаларни қалинлиш билангина чекланиб қўя қолган.

Шу хилдаги қусур-воқеаларни қуруққина қайд қилиб қўя қолиш ҳодисаси Марва Жалолиддинованинг «Кўзларинг айтди» тўпламига кирган ҳикояларга ҳам хос. Бу тўплам хусусида ҳам жиддийроқ фикрлар билдирмоқни бўлаётганлигимизнинг боиси бор. Негаки, Марва Жалолиддинова кўп йиллардан бери болалар учун ҳикоялар ёзиб келади. Шунга қарамасдан, ҳалига қадар уни

машқлари «бировни хафа қилма», «аъло ўқишга интилиш керак», «дафтарингни ифлос қилма» сингари панднасиҳатлар билан тўлиб-тошган. Масалан, тўпламдаги ҳикояларнинг бирида («Қинғир иш очилди») Аҳмад исмли бола уйга берилган вазифани ўгринча синфдоши Комилжоннинг дафтаридан кўчириб олса, иккинчисида («Карра жадвалли дафтар») ҳам Пўлат исмли бошқа бир бола уй вазифасини синфдоши Ақиданинг дафтаридан кўчириб олади. Синчков китобхон иккала ҳикоянинг ҳам айнан бир-бирига ўхшаб қолганлигини сезмаслиги мумкин эмас. Бу хилдаги ҳикояларнинг тарбиявий томондан ниҳоятда кам самара бўлишини айтиб ўтириша ҳам бўлади.

Сўнгги йилларда кичкинтойларнинг катта дунёси хусусида ҳикоя қилувчи кўпгина баркамол асарлар яратилди. Улардан С. Михалков, Н. Носов, А. Алексин, Ю. Коринец, Ю. Хазановларнинг шеърлари, ҳикоялари, қиссаларини алоҳида тилга олиб ўтиш мумкин. Айтайлик, Сергей Михалковнинг «Қулоқсизлар байрами» қиссасида илгари сурилган масаланинг жиддийлигига бир эътибор беринг... Қиссада варрак ҳақида ажойиб бир эртак нақл қилинади. Варрак «осмонга сапчиса ҳам пишиқ ип уни қўйиб юбормайди. Ҳовлидаги болакай уни гоҳ секин қўйиб юборар, гоҳ яна галтакка ўрар эди. Бироқ варрак ўзини эркинликда ҳис қилар, чунки ип узун бўлиб, бола уддабуронлик билан унинг парвозини бошқарар эди».

Бола варрак билан қандай муносабатда бўлса, ҳар бир адиб ҳам ўзининг қаҳрамонлари билан шундай муносабатда бўлишлари керак. Бу, албатта, рамзий маънода айтилган фикр. Бу фикр Сергей Михалковнинг «Қулоқсизлар байрами» қиссасининг ёзилиши муносабати билан айтган сўзларда яна ҳам ойдинлашган: «Менинг мақсадим мутлақо кичик ўқувчиларни шунчаки қувонтириш эмас, гарчи бу номуҳим бўлмаса-да. Аминманки, хушчақчақлик, қизиқарлилик болалар учун ёзилган асарларда бўлиши керак, зеро бахтиёрликни ҳис қилиш боланинг табиий руҳиясида мавжуд нарсадир. Лекин менда ундан кучлироқ вазифа бор. Истагандимки, катталар ушбу эртакни ўқирканлар, ўзлари ҳам бир вақтлар бола бўлганликларини эсласалар. «Башарти, болалардаги шўхликни ўлдирсангиз, сиз ҳеч қачон доноларни яратолмайсиз». Эртакка тазмин сифатида Жан

Жак Руссонинг ушбу гапларини олиш мумкин эди. Болалар ҳеч қачон ўзларини тарбияланувчилар деб ҳис қилмасликлари керак. Ахир тарбиялаш санъати кўзга ташланмасликдан ҳам иборат бўлади. Менинг эртагим мутлақо оқилона тартиблар йўлида жамият ҳуқуқларини тасдиқлаш, анархиянинг ҳар қандай кўринишига қарши курашни зерикарли дидактика ҳолатида кўрсатмай, балки образлар, сюжет коллизиялари орқали теран педагогик маъно касб этиши зарур».

Сергей Михалковнинг тарбиялаш санъати хусусида айтган ушбу фикрлари жуда ҳам ибратлидир. Негаки, тарбиялаш учун аввало тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши керак. Фақат савияси баланд, диди юксак, маънавий дунёси бой адибларгина тасаввур доираси кенг қаҳрамонлар образларини ярата олади.

Шу ўринда сўнгги йиллар ўзбек совет болалар адабиётида ўзига хос ўрин эгаллаган икки асар ҳақида айрим мулоҳазаларимни йўл-йўлакай айтиб ўтмоқчиман.

Шулардан бири истеъдодли шоир Миразиз Аъзамнинг «Ақлли болалар» достонидир. Бу достон атрофида бир қатор фикр олишувлар бўлиб ўтди. Умуман, адабий жамоатчилик «Ақлли болалар»ни шоирнинг жиддий ижодий ютуғи сифатида қабул қилди. Айни замонда айрим адабий-танқидий мақолаларда достоннинг нуқсонлари асоссиз равишда ошириб кўрсатилди. Йўқ, мен Миразиз Аъзамнинг достонини мутлақо танқид қилиш керак эмас, демоқчимасман. Аксинча, ҳар қандай танқиднинг ҳалол, асосли, самимий, илмий бўлиши тарафдориман. Шу жиҳатдан масалага ёндашиладиган бўлса, достон юзасидан билдирилган айрим танқидий фикрларга эътироз билдиришга тўғри келади. Негаки, баъзи хил танқидчилар шоирни «воқеаларни айнан ҳаётда олиб ёзмасликда» айбладилар. Уларни достондаги ушбу сатрлар мутлақо қаноатлантирмайди:

Ўзи асли фикрчан,
Меҳнатда пишган бола.
Кўплаб китоб ўқиган,
Фанга ёпишган бола.
Леоновни билади,
Гайдарни билар тўла,
Катта бўлса қишлоғин
Ўрмон қилар бир йўла.

«Ақлли болалар» достонининг қаҳрамони Асрор ес-ҳушли, тасаввур доираси кенг, ўқимишли бола. У ҳар бир масалага, умум манфаати нуқтаи назаридан баҳо беради. Ўртоқларининг тутларни каллаклаганини кўриб қаттиқ хафа бўлади. Уларни «ваҳшийлар» деб ҳақорат қилади. Хусусий мулк тушунчасидан қутулолмаган дўстларини ҳам аямайди. Унинг бу хилдаги хатти-ҳаракатларидан ажабланган айрим мунаққидлар шундай фикр юритишди: «Қаҳрамон ўзининг ёшига номуносиб ўзларни қўллайди, хусусий мулк хусусида фикр юритади, ҳали ўзбек тилига таржима қилинмаган Леоновнинг «Рус ўрмони» романини ўқийди, қишлоғини бир йўла ўрмон қилишни орзу қилади». Ҳа, достон билан чуқур роқ танишмаган мунаққидлар ва китобхонлар Асрорнинг ғалати хатти-ҳаракатлари ҳамда хулқи атворидан ажабланишлари турган гап. Аслида эса бу жуда табиий ҳодиса. Негаки, илмий-техника революцияси кенг авж олдирилган даврда Асрор сингари зийрак, ўқувли, илимдон болаларнинг Леоновни ўқиши ҳам, хусусий мулк тушунчасининг мағзини чақиш учун интилиши ҳам табиий ҳол.

«Идеал қаҳрамонлар,— деб ёзади Миразиз Аъзам,— ёзувчининг эстетик қарашлари, мукаммал инсон ҳақидаги орзулари билан боғлиқ бўлган қаҳрамондир. Шу ўринда мен бир адабиётшунос дўстимга жавоб бериб қўйишни истар эдим. У менинг «Ақлли болалар» достонига тақриз ёзиб, хусусан, бир ўринда достон қаҳрамони Асрор тўғрисида «Леоновни ўқиган, Гайдарни билар тўла» деган мисраларига эътироз билдиради. Ахир, агар Леоновнинг «Рус ўрмони» романи ўзбек тилига таржима қилинмаган бўлса, Асрор уни қаерда, қачон, қандай қилиб ўқиган бўлиши мумкин, демоқчи бўлади. Ҳолбуки, автор учун ҳаётда ҳар бир воқеа айнан рўй берган бўлиши шарт эмас. Автор шундай бўлишини истайди, холос. «Рус ўрмони» ўзбек тилида чиққан бўлиши, Асрор еттинчи синфнинг ўқувчиси, уни ўқиган бўлиши мумкин деб ўйлайди ва шундай бўлиши керак. Агар ҳаётда Асрор сингари бола бор бўлса яхши, йўқ бўлса адабиётда бўлсин, болалар ўқиб шундай бўлишга интилишлар. Худди мана шу хилдаги ақлли болалар бўлиб етишсин сурсинлар. Автор орзу қилган қаҳрамон ҳеч кимга халақит берган эмас».

Агар Миразиз Аъзамнинг «Ақлли болалар» достони

атрофида фикрлар «жанги» қизиган бўлса, Эргаш Раи
мовнинг «Ажаб қишлоқ» қиссаси деярли баҳоланмади
Ваҳоланки, адиб бу қиссаси орқали сўнгги йиллар бо
лалар адабиётига янги мавзу, янги қаҳрамонлар олиб
кирди. Яна бунинг устига образли тил, кичкинтойлар
билан катталар орасидаги бир қарашда кўзга чалин
майдиган мураккаб муносабатлар тасвири... Буларнинг
барчаси Эргаш Раимовнинг янги қиссасига алоҳида бир
фазилат бағишлайди. Илгари биз Эргаш Раимовни бо
лалар учун ўртамиёна шеърлар ёзиб юрувчи шоир си
фатидагина билар эдик, холос. У прозага қўл урди-к
дарров адабий жамоатчиликнинг диққат-эътиборига са
зовор бўлди. Адабий давраларда истеъдодли ёш ёзувч
сифатида тилга олина бошлади. Бу ҳодисанинг сирин
Эргаш Раимов қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатлар
хулқи атворидан излаш керак бўлади. Албатта, ула
фақатгина ижобий сифатларни ташувчи фариштасифа
қаҳрамонлар эмас. Улар ҳаётнинг маъносини англа
тушуниш учун интиладилар, эзгуликни қарор топт
риш учун курашадилар. Баъзан янглишадилар, ҳат
жиддий хатоларга ҳам йўл қўядилар. Лекин барибир
ўз орзу-армонларини амалга ошириш йўлидан қайтма
дилар.

Қиссанинг «Ажаб қишлоқ» деб номланиши бежи
эмас. Ажаб қишлоқнинг ажабтовур одамлари бор. Ула
ўзларига яраша турмуш ташвишлари билан яшайдила
Ҳар бирининг ўзига яраша мақсади, ўзига яраша иде
ли берилган. Улар орасида Саид ва Соат исмли бола
лар ҳам бор. Иккала дўст ҳамиша эзгу ишлар қили
юрадилар, катталарнинг нуқсонлари устидан кулад
лар.

Ажаб қишлоқда рўй берадиган барча воқеалар С
иднинг ҳикояси орқали берилади. Кўз олдимизда турл
хил қиёфа ва турли хил тақдир эгалари гавдаланад
Шулардан бири Пўрим хола. Ўзи элликлардан ошг
қолган, қорачадан келган, паканагина хотин. Доим қ
шига ўсма, кўзига сурма қўйиб, икки чаккасига райҳо
ми, гулми тақиб юради. У эри урушга кетгандан ке
йин уч ойлик чақалоғини ташлаб. Холмат жиккак
деган кишига тегиб кетган. Пўрим хола нечта эрга т
гибди-ю, лекин биронтасидан ҳам фарзанд кўрмайд
Кейинчалик жинни бўлиб қолиб, кўчага чиқиб кетибд
Шундан бери масжид борми, эски чолдевор борми, гў

ристон борми, шунақа жойларда якка ўзи бойўғли
сингари яшаб келади...

Саиднинг дадаси ҳақидаги ҳикоя ҳам ўзининг ҳаё
тийлиги билан ажралиб туради. Бу ўзи алоҳида бир
қисса кучига эга. Унда бугунги ҳаётимизда учраб ту
рувчи бир қатор жиддий муаммолар тилга олинади.
Ўғлини дадасининг хатти-ҳаракатлари, хулқи атвори
ташвишга солади. Ҳа, Саиднинг дадаси ароқнинг касо
фати туфайли одамгарчиликдан чиқиб қолган. У бир
вақтлар пахта заводида директор, сўнгра партком бў
либ ишлаган, одамлардан налог ҳам йиққан, тегирмон
чи ҳам бўлган.

«Дадамнинг иши кетига кетгач,— деб ҳикоя қилади
қисса қаҳрамони,— уйимизга ҳеч ким келмайдиган бў
либ қолди. Ҳатто қариндош-уруғларимиз ҳам йўламай
қўйишди. Бир пайтлар мени ёнларига ўтқазиб, хўжа
йин, хўжайин, хўжайин, деб эркалаган амакилар ҳозир
Саидни танишмайди. Танишса ҳам тескари қарашади,
дадамни кўрсалар қочишади, юзларини терс ўгиришади,
яна орқаворатдан Шодигул деб майна ҳам қилишади.
Ароқ дадамнинг Шодибек исмини Шодигулга айлантир
ган».

«Ажаб қишлоқ»даги Муллажон сартарош характери
ҳам анча мукаммал чизилган. Бу одам ҳануз ўзининг
ўтмиши билан яшаб келади, отдан тушса ҳам эгардан
тушмайди. Гоҳ дўқ, гоҳ пўписа, гоҳ найрангни ишга со
либ шахсий манфаатини ҳимоя қилади. Ўз манфаати йў
лида ҳар қандай қабиҳликдан қайтмайди. Саидни мак
табда қолдириш учун уни жиннига чиқарувчи справка
тўғрилайди.

Эргаш Раимовнинг «Меҳрибонлар», «Ажаб қишлоқ»
қиссалари сўнгги йиллар болалар адабиётида янги гап.
Ёш ёзувчи ҳозир изланишлар палласида. Шунинг учун
ҳам унинг асарларига катта талаблар асосида ёндашиш
шимиз керак. Демоқчимизки, иккала қисса ҳам ўзига
хос қатор фазилатларга эга бўлишига қарамай, ҳали
уларда тақлидчилик аломатлари, керагидан ортиқча
одамлар тақдирига мурожаат қилиш, композицион тар
қоқлик, бир проблемани таҳлил қилмасдан, иккинчи бир
проблемага ўтиб кетиш ҳоллари учрайди. Эргаш Раимов
бу ҳақда жиддийроқ ўйлаб кўрса дуруст бўлар эди.

Биз мақоламизни болалар ҳаётидан олиб ёзиладиган
ҳар бир асарнинг она сутидек покиза бўлиши хусусида-

ти сўз билан бошлаган эдик. Зеро, она сутидек покиз
асар ёзиш дегани — унда муайян ижтимоий масалала
қаламга олиниши, тўлақонли қаҳрамонлар образлар
яратилиши — бинобарин ҳар бир ёзувчининг юкса
гражданлик бурчини англаши ҳам дегани. Масалага ма
на шу жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, ёзувчиларим
олдида ҳал қилиниши лозим бўлган вазифалар борли
маълум бўлади. «Республикамизда,— деб ёзади Худо
берди Тўхтабоев,— илм-фаннинг шуҳрати дунёга машҳу
Хабиб Абдуллаев, Собир Юнусов, Ёлқин Тўрақулов, Во
сил Қобулов сингари фан арбобларининг илм-фандаг
кашфиётлари, Турсуной Охунова, Мамажон Дадажонов
Валентин Тюпко сингари атоқли механизаторлар ҳақи
да, уларнинг машаққатли, лекин шарафли ҳаёт йўллар
меҳнатда эришган юксак зафарлари ҳақида бола
ларга атаб, болаларбоп қилиб ёзилиб, қўлдан-қўлг
ўтиб ўқилган бирон китобни эслай оласизми? Биз фа
ва техника революцияси даврида яшаяпмиз. Ана ш
ютуқлар билан болаларни озми-кўпми таништириб бо
риш, болалигидаёқ уларда ана шу соҳада майл в
муҳаббат уйғотиш, фан ва техника орқали ёш қалбл
бу соҳага эҳтирос ёндириш, менимча, болалар ёзувчил
рининг ҳам бурчидир. Афсуски, бу соҳада ҳали жидди
ишлар қилинмаяпти. Ризамат оганинг миниг бир хил узу
навини етиштиргани, Буолма Жўраева тўқиётган чи
бир район болаларига етти сидиргадан кўйлак бўлиш
мумкинлиги ҳақида китоб ёзилганда қандай яхши б
ларди».

Табиийки, айрим кишилар ҳақидаги бадиий асарла
қуруқ таржимаи ҳолга ўхшаб қолмаслиги керак. Бун
дай асарларда ҳам ҳаёт бутун ранг-баранглиги, мура
каблиги билан тасвирланиши зарур. Чунки, адабиёти
мизнинг ҳаққонийлик принципи болалар адабиёти учу
истисно эмас. Ҳаққоний тасвир болаларни ҳақиқатг
севиш руҳида тарбиялашга ёрдам беради. Ҳақиқат эс
она сутидай покиза ва мўътабардир.